



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (12.392)

Баҳоси эркин нарҳда

**2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ҳамда шу йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроекономик кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, энг аввало, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизациялаш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш дастурининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли макроекономик рақобатбардорлик ва республика иқтисодиётини ўстиришнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 6,2 фоизга, қурилиш ишлари – 13,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардор маҳаллий маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириш бўйича қўрилётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми 9 фоизга кўпайди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 52,1 фоиз ўрнига 52,5 фоизга ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 40,4 фоизга ўстириш таъминланди, импорт ўрнини қоплашнинг ҳисоблаб чиқилган самараси 1,0 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга ва модернизациялаш кўламлигини кенгайтиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилаётганлиги, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,2 фоиз, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажмининг 35,5 фоиз ўсишига кўмаклашди, уларнинг қарийб 84 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади. 587 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шунингдек, умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 114 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан 1,3 триллион сўм миқдорда маблағлар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардор маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш дастурларининг бажарилишини муфассал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мухомама давомида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимсанеоат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзфармасаноат» давлат концерни, «Ўзэлтханоат» уюшмаси ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг бир қатор корхоналари раҳбарлари олдига айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва янги ишлаб чиқариш объектиларини ўз вақтида фойдаланишга топширишда йўл кўйилган қолақнинг ўрнини қоплашни таъминлаш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда фойдаланилаётган резервларини ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ҳисобига ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқларнинг ижроси ҳолати кўриб чиқилиб, батафсил таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, фойдаланилаётган резервлар ва ишлаб чиқариш қувватларини танқидий баҳолаш юзасидан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар натижасида тармоқ ва ҳудудий ривожлантиришни ўзаро мустаҳкам боғлашни таъминлаган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурларига тузатишлар киритилди.

Мухомама давомида барча даражадаги ҳокимликлар, тармоқлар, корхоналар ва Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарлари олдига фойдаланилаётган резервлар ҳамда қувватларини аниқлаш ва сафарбар этиш самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурлари параметрлари ва тадбирларининг бажарилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган вазибалар қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

**Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан «Баркамол авлод — келажак кўрки» мавзуда вояга етмаганлар иштирокида семинар-тренинг ташкил этилди.**

64-мактабда ўтказилган тадбир давомида мультимедиа орқали юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ўз аксини топган видеоларга намойиш этилди. Семинар-тренингда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган самарали ишлар, замонавий таълим технологияларининг ҳаётга татбиқ этилиши хусусида тўхталиб ўтишди. Сўнг тренинг машғулоти ва қизиқарили уйинлар ташкил этилди.

422 ва 419-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари, 256 ва 210-мактаб ўқувчилари ижросидаги мафтункор кўшиқлар, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ҳамда бошқа санъаткорлар билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавҳа Козим Улмасов олган сурат

**Тошкентда 23 апрель куни «Central Asia 2013 – Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» мавзусидаги еттинчи халқаро конференция бошланди.**

## ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ВА АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар

ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Хитой, Россия, Украина, Озарбойжон, Эрон, Қозоғистон каби ўндан зиёд мамлакатдан қирқдан ортиқ соҳа вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Халқаро конференция очилишида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари Ш.Қаюмов, Республика ахборот-кутубхона маркази дирек-

тори А.Абдуазизов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг ўринбосари А.Эшматов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Марек Ямрогович раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик кўлаби йўналишлар қатори ҳуқуқий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Икки давлат прокуратура идоралари раҳбарларининг профессионал алоқалари ва ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани мамлакатларимиз бош прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлигидаги делегация ташриф билан Польша Республикасида бўлди. Мазкур ташриф асосида Польшанинг тегишли вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари билан Польша Республикаси Давлат суд ва прокуратура академияси ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад истиклол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар, ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ёш авлодга тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, эл-юртга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

● Андижонда сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● «Камолот» ЁИХ, Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази, Мудофаа вазирлиги, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган мазкур мусобақада туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 18 жамоа иштирок этди.

● Жорий йилда Бухорода ўтказиладиган «Универсиада – 2013» мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар учун Қарши шаҳрида жамоавий спорт турлари бўйича минтақавий саралаш беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақада Бухоро, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари талаба-ёшлари баскетбол, волейбол, футбол ва қўл тўпи бўйича ўзаро куч синашди.

## ЖАҲОНДА

● Бангладеш марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, 1969 йилдан парламентда фаолият юритиб келган, кейинги пайтларда парламент спикери бўлган 64 ёшли Абдул Ҳамид мамлакатнинг янги президенти этиб сайланди.

● АҚШнинг Бостон университети тадқиқотчилари тухум, товук гўшти, балик ва дуқакли ўсимликларни мунтазам равишда истеъмол қилиб бориш инсон хотирасини яхшилаши ҳамда миянинг кексайишини секинлаштиришини аниқладилар. Уларнинг изоҳлашича, ушбу маҳсулотлар таркибида бош миёга ижобий таъсир кўрсатадиган холин моддаси кўп. Холинга бой озуқалар инсулт каби бир қатор оғир хасталиклар хавфини камайтиришга ҳам ёрдам бераркан.

● Германиянинг «Lufthansa» миллий авиакомпанияси ишчи-ҳодимлари жорий йилдаги энг йирик норозилик намойишини ўтказишди. Оқибатда турли давлатларга учадиган юзлаб рейслар бекор қилинган, икки мингдан ортиқ почта жўнатмалари ўз манзилига бормаган. Компания ишчи-ҳодимлари «Lufthansa» раҳбариятидан ойлик маошнинг кўтариш ва келгусида иш ўринларини кескин қисқартирмасликни талаб қилишмоқда.

● Австрия меҳмонхоналаридан бирининг директори Томас Флинвуд ўз меҳмонхонаси лифтида тўрт кун қамалиб қолди. Унинг қанча бақирса ҳам товушини ҳеч ким эшитмагани етмаганидек, телефони ҳам хонада қолдиргани панд берди. Фақатгина тўртинчи куни меҳмонхона нон ташувчиси бечора директорни кутқарди. Унинг сўзларига қараганда, Флинвуд нон ташувчига хона калитларини берган ва текшириб туришини айтган. Унинг бу ишончи ўзига фойда берди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳримизда «Shodlik Palace» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ўқув семинари «Республикамиз таъ-

лим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказишда ахборот хизматларининг ролини ошириш» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Солиқ академиясида

барча умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида «Солиқ билимлари – болаларга» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Юристар малакасини ошириш» миллий ва халқаро таҳриба мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Мажлисда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, қишлоқ жойларига намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Миллий автомагистрала таркибига кирувчи автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 62 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Қўқон шаҳрини айланиб ўтувчи «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг 42 километрли участкасини реконструкция қилиш тугалланди, 45 километр темир йўллар қайта тикланди.

Муҳокама давомида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидаги йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини, шунингдек, Ўзбекистон Миллий автомагистрала бўйлаб йўлбўйи инфратузилмаси ҳамда сервис объектларини қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш, бажарилаётган ишларнинг сифати юзасидан назоратни кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўриш кўлданди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг, энг аввало, идоравий ахборот ресурсларини ва маълумотлар базаларини шакллантириш, идораларо айлантириш бўйича ташкил этиш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интернет-сайтларни ривожлантириш ҳисоб-

бига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг махсус бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб

вожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида шу йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциядаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатма ва вазифалар барча даражадаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарларидан қишлоқларни тубдан қайта ўзгартиришга, қишлоқ аҳолиси ҳаёти

кент шаҳар ва Қашқадарё вилояти ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 250,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 150 мингтадан кўпроги ёки қарийб 60 фоизи қишлоқ жойлардадир.

Бунда вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори касб-ҳўнар коллежаларининг 501 минг нафардан кўпроқ битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва уларни келгусида ишга жойлаштиришни таъминлаш учун аниқ корхоналар ва ташкилотларга бириктириш борасида улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатига қаратилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини эгаллаган ихтисосликларига мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд резервларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳўкумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAḤKAMASINING  
MAJLISI TŪGRISIDA AXBOROT**

чиқиш ва амалга оширишни, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллари жорий этишни алоҳида назоратта олиш топширилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўламларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, энг аввало, замонавий идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сифатли идораларо айлантириш бўйича ташкил этиш, интерактив давлат хизматларини ривожлантириш зарурлигига қаратилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ри-

доражаси ва сифатини янада изчил оширишга, уларни замонавий стандартларга яқинлаштиришга йўналтирилган ишларни кучайтиришни талаб қилади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларига жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш, шунингдек, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази директори, Тош-

**Фармон ва ижро**

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ  
ИШТИРОКИДАГИ  
КОРХОНАЛАРНИ РЎЙХАТГА  
ОЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН  
ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР**

*Хорижий инвестиция мамлакатимиз иқтисодийтини мустаҳкамлашга замин яратувчи ва уни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади. Зеро, халқнинг турмуш даражасини юксалтиришда хорижий инвестициянинг ўрни беқиёсдир.*

Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу албатта, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётганининг самарасидир.

Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2011 йил 1 июндан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва кўшимча масъулияти жамиятлар устав фонднинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қўнунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг элик бараваридан қирқ бараваригача камайtirилди.

Бундан ташқари, Юртбошимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида бир қатор имтиёзлар яратилдики, улар орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилиб, ортиқча овозагарчиликларга барҳам берилди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўқсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва шу йилнинг 18 июлидаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда тадбиркорларга берилган имтиёزلарни кўрсатиш мумкин.

Мазкур Фармонларга кўра 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рўқсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди. Шунингдек, хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фонднинг бир қисмининг шаклланишини таъминловчи ҳужжатлар-

ни олиш, банкда ҳисоб рақамини очиб учун нотариал тасдиқланган имзо намунаси талаб қилиб олиш бекор қилинди, бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида керакли фирма номилари захирга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат Интернет тармоғи орқали статистика органлари томонидан ариза қабул қилинган пайтдан 4 иш соати давомида тақдим қилиниши белгиланди. Буларнинг барчаси, мамлакатимизда хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони кескин кўпайишига, ўз навбатида давлатимизга киритилаётган инвестиция оқимининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Мисол тариқасида, биргина Тошкент шаҳрида Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни оладиган бўлсак, 2011 йилнинг I чорагида 20 та хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу кўрсаткич 2013 йилнинг I чорагига келиб 33 тани ташкил қилади. Бу эса мамлакатимизга кириб келаятган инвестициялар оқимининг янада кўпайишидан ва аниқ дамда кўшимча иш ўринларининг вужудга келишидан ҳамда фуқароларнинг турмуш даражасини янада ошишидан далолат беради.

Уйлаймики, мазкур соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келажакда хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини амалга оширишда уларга яратилаётган имтиёз ва қулайликларнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бозор иқтисодиётининг асоси бўлган тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

**Х.АБДУРАИМОВ,  
Адлия вазирлигининг масъул  
ҳодими**

**ЎЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASI BOSh  
PROKURATURASIDA  
UCHRAshUV**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Польша Республикаси Бош прокуратураси делегациясининг мамлакатимизга мазкур таширифи ҳуқуқий соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтган учрашувда меҳмонларга Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислохотлар, мамлакатимиз прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда уларнинг ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган янги концептуал ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуини босқичма-босқич амалга ошириш, шу жумладан тегишли норматив ҳужжатларни қабул қилиш бу йўналишда янги даврни бошлаб бергани таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Польша Республикаси Бош прокуратураси ўртасида прокуратура органларининг ҳамкорлиги тўғрисида меморандум имзоланди.

Польша делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолияти билан танишиди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам музокаралар ўтказди.

Ташириф доирасида меҳмонлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларни бориб кўрдилар.

**Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА муҳбири**

**Анжуманлар**

**ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗАГА АСОСИЙ  
ЭЪТИБОР  
КАРАТИЛМОҚДА**

**Жорий йилнинг май ойида Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро ҳаракатининг ташкил топганига 150 йил тўлади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ушбу ташкилотнинг фаол аъзоларидан ҳисобланади.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти республика бошқарувининг мажлислар залида «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, шифокорлар, хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси Х.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган гоё ва ташаббуслар жамоат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб бергани алоҳида таъкидлашди.

Бу жиҳатлар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятига ҳам ўз амалий ифодасини топган. Бугунги кунда жамият фаолиятида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли ҳимоялаш, ногиронлар, кексалар, ночор ва ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, юртимизда соғлом турмуш тарзини юксалтириш масаласи устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жамият томонидан маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда боқувчисини йўқотган қариёлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларни зарур ортопедик воситалар, дори-дармонлар билан таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини яхшилаш борасида қатор хайрли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаимиздаги тиббий илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда қон қўйиш станциялари учун беғараз қон дорилари тайёрланмоқда. Шунингдек, турли факулддада вазиятларда яқин қариндошларини йўқотган фуқароларни излаб топиш ишлари олиб борилмақда.

Бугунги кунда жамият ҳамдўстлик мамлакатлари билан инсонпарварлик йўлидаги лойиҳаларни амалга оширмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий экологик саводхонлиги маданиятини юксалтиришга доир ишларни яхшилашга ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ижтимоий хайрия акциялари ўтказилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Гулчехра САТТОВА**



**ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ВА АХБОРОТ-  
КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ**

**(Давоми. Боши  
1-бетда)**

Президентимизнинг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган 2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмати кўрсатишни янада сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирларга оид Қарорига мувофиқ мамлакатимизда ягона интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш, бунда электрон ресурсларни шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларига оид Қарорига асосан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолининг интеллектуал, билим олиш, таълим, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун қулай шарт-шароит ва ахборот-ресурс базаси яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган даврида мазкур кутубхона фонди 19,5 мингдан зиёд нусхага кўпайди ва аниқ пайтда 6,5 миллиондан ошди. Электрон ресурсларни ташкил этиш ва электрон каталогларни тўлдирishга доир ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йил бошидан буён Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳодимлари томонидан китобхонлар ўртасида

талаб юқори бўлган уч мингдан ортиқ китобнинг электрон нусхаси яратилди. Умуман, 380 минг электрон библиография маълумоти, шунингдек, 314 мингдан зиёд нашрнинг электрон шакллари яратилди.

Халқаро конференцияда Евроосиё кутубхона ассамблеяси бош директори Галина Райкова, Германиянинг «Ex Libris» компанияси менежери Роман Пионтек, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори Виктор Гришин, Эрон миллий кутубхонаси ва архиви директори Исҳоқ Салохий Кажур ва бошқалар Ўзбекистонда ахборот-кутубхона соҳасини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишар эканман, мамлакатимизда ахборот-кутубхоналар жадал ривожланаётганига, Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдим, – дейди АҚШнинг Иллинойс университети илмий ходими Жо Ленкарт. – Барча зарур техника ва технологиялар билан жиҳозланган бундай замонавий кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари аҳолининг илмий, маънавий ва касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани кувонарлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча таълим масканларида универсал ахборот ресурслари, миллий ва

хорижий нашрлар фондини шакллантириш, уларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва фойдаланиш тизими тобора такомиллаштирилмоқда. Йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларининг бирламчи электрон кутубхоналар ва маълумотлар базалари яратилиб, электрон дарсликлар ва нашрлар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари тайёрланмоқда.

Зеро, глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши, хусусан, фан, таълим ва маданият ривожига турли соҳаларга оид зарур ахборотларни тезкорлик билан олиш имконияти муҳим ўрин тутган. Кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, улар ишида замонавий ахборот технологияларини қўллаш бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро конференцияда аниқ шу масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ахборот-кутубхона ресурсларининг фан, таълим, маданият ва бизнес соҳалари тараққийотидаги ўрни, Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон ва Эронда соҳа ривожига ҳамда унинг истиқболларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро конференция доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мамлакатимиздаги матбаа корхоналарининг маҳсулотларни кўргазмаси ташкил этилди. Унда нашриётларимиз томонидан чоп этилган китоблар, альбомлар, журналлар ва бошқа матбаа маҳсулотлари кенг намойиш этилмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА муҳбири**

## Таълим

## ГРАНТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Айниқса таълим соҳасини янада такомиллаштириш ишига нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳам катта ҳисса қўшаётганлиги эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Ўзбек – япон маркази ташаббуси билан таълим соҳасида тайёрланган янги лойиҳа бўйича грант шартномасини имзолашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбек – япон маркази таълимни ривожлантириш мақсадида янгидан-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

**Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етук, баркамол шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида таълим соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, бу борада самарали ислохотлар амалга оширилаётганлиги қувонарли ҳол.**

Шу боис ҳам марказ ёрдамида кўпгина ўқув масканлари замонавий технологиялар, педагогик жиҳозлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар билан таъминланди.

Тadbирда Тошкент Давлат шарқшунослик институтини замо-

навий компьютер технологиялари, ўқув жиҳозлари, дарсликлар билан таъминлашга кўмак бериш мақсадида Ўзбек – япон маркази томонидан 105 минг АҚШ доллари миқдорда маблаг ажратилганлиги маълум қилинди.

## ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА САЁХАТ

**Инглиз тили дунё халқларининг ўзаро алоқа воситаси ҳисобланади.**

Шу боис ҳам кейинги йилларда халқ таълими муассасаларида ўқувчиларга инглиз тили пухта ўргатилмоқда.

Юнусобод туманидаги 43-мактабда бўлиб ўтган «Эртақлар оламига саёхат» мавзусидаги очик дарс соати инглиз тилида ташкил этилди.

Тadbирда ўқувчилар томонидан инглиз тилида ижро этилган шеърлар, кўшиқлар, ҳикоялар ва

бошқа бадиий чиқишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Тadbир якунида устоз-педагоглар ўқувчиларнинг чет тилларни, хусусан, инглиз тилини пухта ўзлаштиришлари имкон яратувчи бу каби маданий-маърифий тadbирларни тез-тез уюштириш фойдадан холи эмаслигини таъкидлаб ўтишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



**Келажақ авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қўлай шарт-шароит яратиш давлатимиз ҳамда халқимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Мустақил тараққиёт йилларида эришаётган бундай ютуқ ва муваффақиятларимиз, соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг барчаси халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Ушбу жараёнда юртимизда фаолият юритаётган фуқаролик институтлари, турли нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам муносиб ўрни бор. Бу йил ташкил этилганга 20 йил тўлаётган Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам шу мақсад йўлида фаолият юритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Жамғарма томонидан амалга оширилган ишлар ва унинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбири «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Светлана ИНОМОВА билан суҳбатлашди.**

— Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, она ва бола муҳофазасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор меъриий ҳужжатлар, давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳар биримизнинг ҳиссамизи борлигидан мамнунимиз. — дейди С.Иномова. — Маълумки, ижтимоий тараққиётда миллат генофондини сақлаш ва ёш авлоднинг соғлом улгайишини таъминлаш муҳим вазифа саналади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги бевосита унинг халқи саломатлигига боғлиқдир. Шу боис, ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш ҳар бир давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Қувончу фахр билан айтаманки, бугун юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги «Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 596-сонли Фармони асосида ўз фаолиятини бошлаган Жамғарма келажақ авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун хизмат қилишни фаолият йўналишининг асосий мезонлари сифатида белгилаб олган.

Ўтган йиллар мобайнида жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш асосида мамлакатимиздаги энг йирик хайрия ташкилотлардан бирига айланиб улгурганлигини бугун қомил ишонч билан айта оламиз.

— Светлана Турсунходжаевна, Жамғарма фаолиятига муҳофаза билан назар ташлайдиган бўлсак, амин бўламизки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган хайри ишлар кўплаб юртдошларимизнинг ҳаётида унутилмас из қолдирган. Булар орасида иқтидорли ёшларимизнинг қўллаб-қувватланиши, кам таъминланган оила фарзандларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, жисмоний ёки туғма нуқсон бор ёки ноҳуш ҳодисалар туфайли оғир жараҳат олган болаларнинг юртимиздаги ҳамда нуфузли хорижий клиникаларда муваффақиятли даволаниши шулар жумласидандир. 20 йиллик фаолият сарҳисоби арасида Жамғарма фаолиятига доир йўналишлар ва таҳлилчи натижалар ҳақида батафсилроқ маълумот бериб ўтсангиз.

— Жамғарманинг асосий мақсад, вазифалари — бу, жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандлар тарбияланиши таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, оилаларда соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришдан иборатдир.

Бу йил фаолиятининг 20 йиллигини нишонлаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси сарҳисобидан ҳам аёнки, ўтган вақт мобайнида бир қатор хайри ишлар амалга оширилган. Албатта, 20 йил тарих учун қисқа фурсат. Аммо, бу сана бизга амалга оширган эзгу ишларимизни эслаш, ютуқ ва камчиликларимизни ўрганиш имконини беради. Бу ҳусудда асосий фаолиятимизга тааллуқли чора-тadbирларга тўхталиш ўринли.

Жумладан, Жамғарманинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган Тиббиёт дастури доирасида тиббий-ижтимоий патронаж, она ва бола скрининги фаолиятини такомиллаштириш, фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, «Саломатлик» поездини ташкил этиш ва республикамизнинг энг олис ҳудудларига жўнатиш, тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби қатор вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

«Она ва бола скрининги» дастурини ҳаётга кенг жорий этиш доирасида мамлакатимизда Республика Скрининг маркази фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ху-

сусан, бугунги кунда ҳудудларимизда 14 скрининг марказлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу ўринда эътибор эътиш жоизки, Ўзбекистон аёллар ва болаларни бепул соғломлаштириш — «Она ва бола скрининги» дастурини ишлаб чиққан янгона мамлакат ҳисобланади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мазкур дастурни амалга ошириш доирасида изчил равишда ўз кўмагини кўрсатиб келмоқда. Хусусан, турли тиббий ускуналар, реагентлар, доривор озиқ-овқатлар ҳамда бир неча турдаги дори воситаларини етказиб бермоқда. Шунингдек, ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш мақсадида жамғарма томонидан ҳомиладор аёлларни доимий равишда витаминлар билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, фаолиятимиз саҳнасига «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги тиббий-ижтимоий патронаж кўмак бригадаларининг амалга оширилаётган ишлари ҳам салмоқли. 1996-2012 йиллар давомида 14 тиббий-ижтимоий патронаж кўмак бригадалари томонидан 541 122 оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит, оила аъзоларининг, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва

ўсмирларнинг соғлиги ўрганилиб, оилада соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Кам таъминланган оилаларни ва ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан бепул дори-дармонлар, санитария ва гигиена воситалари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ногиронлик аравалари хайрия ёрдами сифатида тарқатилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фаолияти ёш иқтдор эгаларини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзда тутган маданий-маърифий дастурларида ҳам янгича кўриниш олади. Хусусан, 1997 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюмчаси билан ҳамкорликда аънавий тарзда «Санъат гўнчалари» Республика ёш мусиқчилар кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. 2000-2013 йилларда ўтган мазкур кўрик-танловнинг 32 нафар ғолиблари АҚШ, Германия, Англия, Греция, Франция, Италия, Украина, Россия каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритиб келадигани ҳам бизнинг фахримиз, албатта.

Бу каби маданий-маърифий дастурлар доирасида ўтказиб келинаётган ҳамда ёш иқтдор эгаларини кашф этиб, жаҳонга танитаётган тadbирлар сирасига «Камалак жилоси», «Ер куралида тинчлик» республика расмлар танловларини, «Наврўз садолари» кўповозли ансамбль ва миллий чолгу оркестрлари фестивалини киритиш мумкин.

Маълумки, мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни эътибор ва ғамхўрлик махсули ўлароқ, фарзандларимизнинг халқаро мусобақалардаги галабаларини кўриб барчамиз бирдек фахрланамиз. Бу борада Жамғарма томонидан ҳам изчил чора-тadbирлар амалга ошириб келинаётганини мисол қилиб келтириш ўринли.

Жамғарманинг спортини ривожлантириш дастурлари доирасида қатор ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда «Чимён экстрим», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кубоги учун «Нафосат олами» аънавий фестивали, ёшлар ўртасида стол тенниси турнири ҳамда «Шунқорлар» аънавий ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказиб келинмоқда.

— Жамғарманинг муҳим йўналишларидан бири — «Саломатлик» поезди ҳақида бугун қўллаб юртдош-

ларимиз яхши билишади. Ўтган йилларда ушбу лойиҳа юзасидан амалга оширилган ҳамда эришилган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Мамлакатимизнинг экологик ноқулай ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш ҳамда тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида 2000 йилдан буён «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК билан ҳамкорликда «Саломатлик» поезди ташкил қилиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятининг экологик жиҳатдан ноқулай бўлган ҳудудларига жами 19та «Саломатлик» поезди жўнатилиди. Мазкур поездларда дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий-гигиеник воситалар ва бошқа турдаги инсонпарварлик ёрдамлари етказиб берилди. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Саломатлик тиббий-санитария ёрдам поезди» шифокорлари, жамғарма минтақавий филиалларининг тиббий ижтимоий патронаж бригадалари мутахассислари ва ҳудудлардаги соғлиқни сақлаш бошқармаларининг малякали шифокорлари томонидан 62 248 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб (шу жумладан, 12594та ногирон ҳамда юрломайдиган беморларга манзилли гуманитар ёрдам кўрсатилди), уларга муҳтожлиги ва эътиёжини инобатга олган ҳолда турли дори ва тиббий воситалар мурувват ёрдами сифатида тарқатилди. Қолаверса, ҳудудлардаги «Меҳрибонлик» уйлари, махсус-мактаб интернат тарбияланувчилари, даволаш-профилактика муассасаларига жами 645та ташкилот ва муассасаларга дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабал, уй-рўзгор буюмлари ва санитария-гигиена воситаларидан иборат инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Бу йўналишдаги ишларимизни янада жонлантириш ниятида.

— Жамғарма фаолиятида хорижий ҳамкорлар билан алоқаларнинг ҳам салмоқли ўрни борлиги маълум. Бу йўналишда олиб борилаётган халқаро муносабатлар сарҳисоби ва истикболдаги режалар қандай?

— Дарҳақиқат, Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — хорижий ҳамкорлик саналади. Бугунги кунда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Япония, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Россия, Финляндия, Малайзия, Австрия, Буюк Британия, Миср ҳамда Исроил каби қатор давлатлардаги йирик ташкилотлар билан дўстона алоқалар ўрнатган.

Хусусан, «Америкерз» (АҚШ) халқаро гуманитар ташкилоти билан 1997 йилда тузилган битимга мувофиқ ўтган давр мобайнида мазкур ташкилотдан 116 гуманитар юкларни қабул қилиб олдик. Тиббий препаратлар, витаминлар, ногиронлар аравачалари каби гуманитар юклар жойлардаги «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари, тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилди.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро гуманитар ташкилоти билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Мазкур ҳамкорлик доирасида 2002-2013 йиллар мобайнида туғма юрак нуқсонли билан туғилган 218 нафар болалар Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниб келишди.

Жанубий Кореянинг йирик халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, «KOFIN» Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси, «Junior Chamber International — JCI Korea» халқаро ёшлар Шамбери, Ча университети қошидаги Бундан Ча госпитали, Ин Ха университети госпитали, Сеул миллий университети ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам алоқаларимиз дўстона муносабатлар асосига қурилган. Ушбу ташкилотлар билан алоқаларимиз натижасида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди, туғма юрак нуқсонли билан туғилган болалар Жанубий Корея госпиталарида даволанишди, шунингдек, ҳамкорларимиз томонидан «HYUNDAY» русумли мобил клиника тақдим этилди. Ва яна бир қатор тиббий-ижтимоий, маданий-маърифий йўналишлардаги қатор тadbирлар амалга оширилмоқдаки, бундай алоқаларимиздан барчамиз бирдек манфаатдоримиз.

Бу борадаги ҳамкорлик алоқалари келажақда жадаллаштириб, соғлом авлод тарбиясидаги, халқимиз генофондини, она ва бола саломатлигини соғломлаштириш ишларимизни янада ривожлантириш ниятида.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш ишлари Жамғармага фаоллари учун доимий муҳим вазифа бўлиб қолди.

Улуғбек АСРОРОВ

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ  
ФАН ҲАМ ҲАМ  
ҲАМ ҲАМ

**Халқ таълими вазирлиги тизимида илғор тажрибали ўқитувчиларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида аънавий равишда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилди.**

Таъкидлаш жоизки, «Йил ўқитувчиси» танлови мамлакатимизда фидойи, ўз касбининг устаси бўлган педагоглари аниқлаш ва уларнинг ютуқларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Танловнинг ўтган йиллардаги натижаларига кўра, йилдан йилга унда иштирок этиш истагини билдирувчи устоз ва мураббийлар сони ошиб бораётди.

«Йил ўқитувчиси — 2013» кўрик-танловининг республика босқичи кўрик тadbирлари Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда. 16-17 апрель кунлари инглиз ва француз тиллари, математика, физика, кимё, рус тили (таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар) фанлари ўқитувчилари ўртасида танловлар ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Жумладан, инглиз тили йўналиши бўйича пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилфуза Кодирова, француз тили йўналиши бўйича Юнусобод туманидаги 51-мактаб ўқитувчиси Зумрад Сатторов ва, математика фани бўйича Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактаб ўқитувчиси Уляма Арақоева, физика фани бўйича Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Самар Жумаев, кимё фани бўйича Бухоро вилояти Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳабиба Қорабоева, рус тили йўналиши бўйича (таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар) Тошкент вилояти Бўка туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Валентина Цойлар ғолиб деб топилди.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати ҳабарига кўра, Республика кўрик-танлови 23-24 апрель кунлари Тошкент шаҳрида давом этади ва унда немис, рус тиллари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар), тарих, миллий истиқлол ғояси ва информатика фанлари бўйича таълим берувчи педагог-мураббийлар аниқланади.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»

## Олий ўқув юртларида

ИНСТИТУТДА ОЧИҚ  
ЭШИКЛАР КУНИ

**Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчилари ҳамда профессор-ўқитувчилари иштирокида «Очиқ эшиклар кун» тadbiri ўтказилди.**

Тadbирда Тошкент шаҳридан 22 та, вилоятлар бўйича 30 та, Тошкент вилоятдан эса 26 та кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллеж ўқувчилари ва институт қошидаги академик лицейлардан 800 дан ортиқ ўқувчилар ва махсус фан ўқитувчилари, касб-хунар коллежлари директорлари иштирок этишди.

— Бу тadbирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларни ўзлари эгалламоқчи бўлган касбларга йўллаш, уларга соҳа мутахассисликлари бўйича маълумотлар бериш, келажақда ўзлари танлаган соҳаларига мос олий таълим муассасаларига киришга кўмак беришдан иборат, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори М. Ҳамидов. — Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлардан боғабар бўлиш, соҳа йўналишлари ҳақидаги маълумотлар олиш учун институт профессор-ўқитувчилари билан учрашув ташкил этиш, институт моддий-техника базаси ҳамда кишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳалари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан таништириш ўқувчи-ёшларнинг мазкур соҳага бўлган қизиқишларини янада оширди.

Тadbир давомида иштирокчилар талабалар турар жойлари, лабораториялар, маданий саройи, беш юз ўринли овқатланиш шохобчаси билан танишдилар, айниқса билим даргоҳида ижодий тўғрақларнинг мавжудлиги ўқувчиларни ўзига жалб этди.

Тadbир сўнида институт талабалари томонидан мусикали чиқишлар ҳамда саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ҳамида УСМОНОВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика  
факультети талабаси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ  
ДИҚҚАТИГА!

2013 йил 15 апрелдан 19 апрелгача 4-ИМ «Шимолий» ва 2013 йил 22 апрелдан ва 26 апрелгача «Санатэнерго» иссиқлик манбаларида режалаштирилган баҳорги тўлиқ тўхта-тишлар бошқа муддатга кўчирилади.

Иссиқлик манбаларида 2013 йил 29 апрелдан 3 майгача тўхтатишлар бўлиб ўтади.

Тўхтатишлар даврида иссиқлик манбалари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

Ҳамза туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Гафарова Солмаз Қурбалиевнага тегишли бўлган гербли муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2013 йил — Обод турмуш йили

СУРАТЛАРДА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган Тасвирий санъат фестивали доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида бадий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда тасвирий санъатни ривожлантириш, ижодкорлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ушбу фестивалда қорақалпоғистонлик мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, ёш ижодкорлар ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги бўлими раиси Гулбахор Изентоева. — Фестиваль доирасида уларнинг файзли шаҳар ва кишлоқлар, миллий урф-одатларимиз, бетакрор меъморий обидалар акс эттирилган эллиқдан ортиқ асар намойиш қилинмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазмада рангтаъсир, графика, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик каби йўналишларга оид икки юзга яқин ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Картиналарда бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз, бетакрор табиат манзаралари, меҳридарё ва самимий ҳамюртларимиз қиёфаси ёрқин рангларда акс эттирилган.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўздан кичикларга, имконияти чекланганларга ва ёлғизларга имкони борича ёрдам қўлини чўзишга, уни қўллаб-қувватлашга уринади. Ҳозирги кунда бундай меҳр-мурувват қўлини узатиб, ҳар бир кўнгли ярим хастага имкониятлар эшигининг янада кенгроқ очилишига имкон яратишда саховатпеша замондошларимиз орасида талабаларнинг ҳам борлиги, айнан уларнинг ташаббуслари орқали турли хил хайрия ва маҳорат дарсларининг ташкил этилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айнан мана шу йўлни танлаб, меҳр-мурувват нурларини улашишда илк қадамни қўя бошлаган учинчи босқичда таҳсил олаётган Шаҳобиддин Раимов ташаббуси билан Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида «Истиқлол нурлари» деб номланган ижодкор ёшлар гуруҳи ташкил этилди. Бундан бир йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Тошкентдаги «Эко парк» боғида янги тузилган гуруҳ ўзининг илк хайрия тadbирини ўтказди. Тадбирда кўнглига яқин куй-кўшиқлар янгради, бутун боғ бўйлаб институт талабалари томонидан яратилган санъат намуналари кўргазмага қўйилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боққа ташриф буюргон ноғирон, имконияти чекланган жажжи болаларга К.Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олаётган талабалар, шунингдек, институтнинг профессор-ўқитувчилари санъатнинг турли соҳаларида: рангтаъсир, ҳайкал-

Тадбирлар ИСТИҚЛОЛ НУРЛАРИ

тарошлик, амалий санъат, кулолчилик ва замонавий санъат йўналишларида маҳорат дарсларини ўтишди. Кўргазмада ўзларининг бежирим қўл меҳнати орқали яратилган амалий санъат намуналари орқали «Истиқлол» ўз-ўзига ёрдам, ногиронларни қўллаб-қувватлаш жамияти ҳам ўз ишларини намойиш этди, шунингдек қизиқиш билдирган томошабинларга маҳорат дарсларидан сабоқ беришди.

Маҳорат дарсларидан сўнг болалар ва дарсларда фаол қатнашган томошабинлар диплом, сертификат ҳамда ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ташаббускор талабалардан таркиб толган гуруҳ аъзоларидан бири Севара Содикованинг таъкидлаши-

ча гуруҳ томонидан ташкиллаштирилган икки кунлик акциянинг асосий мақсадларидан бири, тасвирий ва амалий санъат орқали имконияти чекланган ёшлар қалбиди, онгида санъатга бўлган муҳаббатни ошириш, келажакка бўлган ишончни ҳамда қобилиятни намоён қила олиш хусусиятларини рўёбга чиқариш орқали уларнинг маънавий дунёқараши ва руҳий оламини бойитиш, ташки дунёга мослаштиришни ташкил қилишдан иборат.

Тадбир сўнггида бир неча меҳрибонлик уйлари раҳбарияти томонидан талабаларга жойларда маҳорат дарсларини ўтказиб беришлари ҳақидаги таклиф ва муурожаатлар келиб ташди.

Фотиима МАМАЖОНОВА, МРДИ талабаси



Фонд Форум ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 4-5 май кунлари Навоий вилоятининг Сармишсой дараси ва Бухоро шаҳрида «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ўтказилади.

Фонд Форумнинг энг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳақимизнинг миллий анъана ва қадриятлари, амалий санъати, миллий таомлари, ноёб моддий ва номоддий меросининг барча жиҳатларини ўзида жамлаган йирик лойиҳадир.

Фестиваль ҳар йили ўлкаимизнинг тарихи мингйилликларга боғлиқ кетган жойларини қайта кашф этади, қадимий манзараларни кўз ўнгимизда қайта жонлантиради. Лойиҳанинг маҳаллий ва хорижий аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотаётгани, кўпроқ меҳмон ва иштирокчиларни жалб этаётганининг сири ҳам ана шунда.

«Асрлар садоси» фестивалининг ўтказилиши муносабати билан ташкиллаштирилган матбуот анжуманида ижодий лойиҳа ва саёҳатнинг ўтказилиши хусусида журналистларга батафсил маълумот берилди. Бу йилги фестивал Навоий вилоятидаги Сармишсой дарасида ташкил этилиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Худуддаги қояларда сақланиб қолган 10 мингдан ортиқ қадимий петроглифлар, турли битиклар, расмлар ўлкаимизнинг 6,7 минг йил аввалги тарихидан сўзлайди.

Матбуот анжуманида санъатшунос А.Ҳакимов, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси директори Э.Аҳмедова, Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти проректори Х.Қо-

милова ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшлар қалбиди бой тарихимиз ва мустакил дёвримиздан фахрланиш туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Фестиваллар «АСРЛАР САДОСИ — 2013»: ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРЛАНМОҚДА

Фестиваль ўтказиладиган икки кун мобайнида Сармишсой худудиди халқ сайиллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, безакли амалий санъат ярмаркаси, улук-кўпкери сингари миллий ўйинлар ҳам ўтказилади.

Миллий таомлар ва миллий либослар фестивали ҳам айнан шу масканда ташкил қилинади.

Матбуот анжуманида Сармишсой дарасидаги нодир ва бебаҳо осори-атикаларнинг жаҳон тамаддуниди аҳамияти, уларнинг муҳофазаси хусусида атрофлича сўз юритилди.

Фестиваль доирасида Бухоро шаҳрида муқаддас қадимжолар, меъморий обидалар, қадимий ёдгорликлардаги битик ва ёзувларни тиклаш, ўрганиш ва улар-

ни кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган давра сўҳбати уюштирилади.

Шунингдек, турли экспедициялар, илмий тадқиқотлар натижасида чоп этилган олтита китобнинг тақдимотларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

«Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган Биби Орифа макбарасини фойдаланишга топшириш тақдироти, маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича иқтидорли талабаларга стипендиялар топширишга бағишланган тадбир ўтказилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Миллий либослар фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган дизайнер ва модельерлар ижоди кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

«Болажонлар-ширинтойлар» болалар модаси фестивалининг совриндорлари томонидан тақдим этиладиган кийим-кечаклар тўплами ҳам қатнашчиларда ёрқин таассурот қолдириши шубҳасиз.

Фестиваль доирасида Буюк Британиянинг «CHRISTIES» аукцион уйи кўмаги остида «MEROS» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси томонидан кимовди савдоси ҳам ташкил қилинади. Тадбир ҳақидаги янгиликлар онлайн тарзида фестивал расмий сайтида бериб борилади.

Анъанага кўра, «Асрлар садоси — 2013» фестивали хорижий меҳмонлар иштирокидаги гала-концерт билан якунланади.

Ҳозиргача АҚШ, Буюк Британия, Италия, Испания, Франция, Германия, Россия ва Япония каби давлатлардан кўплаб сайёҳлар санъат ва маданият байрамида иштирок этиш истагини билдирган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари БАРАКАЛЛА, БАҲОДИР!

АҚШда профессионал бокс кечаси уюштирилди.

Унда 61 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини Баҳодир Мамажонов муносиб ҳимоя қилди. Шуниси эътиборлики, профессионал бокснинг WBA йўналишида жаҳон чемпионлиги учун кубалик Анжело Сантанага қарши рингга кўтарилган Ба-

ҳодир беллашув давомида рақибидан устунлик қилди. Бахсининг тўққизинчи раундида ҳамюртимиз кубалик боксчини икки марта ноқдаун ҳолатига туширди ва ажойиб ғалабага эришиб ўз вазни тоифасида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

«Спорт» телерадиоканали давлат унитар корхонасида Ўзбекистон маҳаллий телерадиокомпанияси бирлашган касба уюшмалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорликларида стол тенниси бўйича мусобақа ташкил этилди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Телерадиоканал ходимлари ўртасида ўтказилган мазкур мусобақада 50 нафар ҳаваскор спортчилар саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боришди. Муросасиз кечган баҳслар натижасига кўра Шерзод Худойбердиев шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Иброҳим Сапаров ва Ирина Цойга насиб этди.

Шунингдек, мусобақада муносиб ўйин кўрсатган Комил Жумаев, Зоҳид Каримов ва Бахтиёр Аҳмедовлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акбар Йўлдошев



Мусобақалар ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятини ошириш, айниқса болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида катта аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилавий жамоаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароит яратиш ҳамда спорт тадбирларига кенг жалб қилиш мақсадида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Кунги кеча ушбу мусобақа Миробод туман болалар спорт мажмуида кўтаринки руҳ ва қизгин беллашувларга бой ҳолда бўлиб ўтди. Унда Миробод туман-

нидаги «Мустақиллик», «Оқ уй» ва «Кўйлик» маҳаллаларидан келган жамоалар спортнинг арқон тортиш, миллий ўйинлардан тош кўтариш ва нишонга олиш каби турлари бўйича бор иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишди.

— Ота-она ва болаларни бир вақтнинг ўзида спорт билан ошно этиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда бундай қизиқарли мусобақалар муҳим аҳамият касб этади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Миробод туман бўлими раҳ-

бари Баҳодир Баҳромов. — Ишончимиз комилки, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз ўзининг яхши самарасини беради. Жисмонан ва маънан соғлом ўғил-қизларимиз дунё миқёсида ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда юртимиз байрогини баланд кўтариб, аждодларига муносиб ворис эканликларини намоён этадилар.

Мусобақада ғолиб чиққан ва совринли ўринларни эгаллаган жамоалар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан спорт анжонларидан иборат совғалар билан тақдирландилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: мусобақадан лавҳа Козим Ўлмасов олган сурат

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишиниз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz



Буюртма Г- 441

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 12046 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.00



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Инсон ўз кадр-қимматини аввало оиласига, кейин атрофидагиларга ва ниҳоят, жамиятга қанчалик керакли даража билан ўлчаши керак.

Ҳар бир йўқотишда бир топиш бор.

Бой бўлиб, бир пуллик фойдаси тегмайдиган қариндошдан, оддий бўлса-да, яхши-ёмон кунингга ярайдиган бегона яхши.

Қаноатсизлик инсонни хароб қилади.

Ўз фикрига эга бўлмаган киши ким нима деса, ўшанга ишониб кетаверади.

Оёғида мустаҳкам турмаган одамнинг кўркуви кўп бўлади.

Ниятнинг ўзи билан иш битмайди: уни амалга ошириш учун интилиш керак.

Ўзингни бир қўйиб юборсанг, кейин йиғиштириб олиш қийин бўлади.

Меъёридан ошса, шодлик ҳам қайғу келтиради.

Обрў орттириш бойлик топишдан қийин.

Тафаккурни чархлаб турмаса қотиб қолади.

Ҳаётининг бир текис кечишига ўрганган одам арзимаган кўнгулсизликни ҳам бахтсизлик сифатида қабул қилади.

Журъатсиз кишининг бир қарорга келиши қийин.

Орқага қайтишда хосият йўқ.

Кайфиятироғ яхши бўлса, ишлаб чарчамайсан.

Кўп гапирган кўп йўқотади.

Одамларнинг гап-сўзлари ишдан чалғитади.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзгидромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 25 апрелда куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёлғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 11-13, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 апрелда Тошкент шаҳри ҳаво шароити шашар ҳаво муҳитида зарари моддаларини бир оз тарқатиб кетишига имкониёт яратилади. Атмосферанинг ифшолини даражаси 1-3 фаз ҳолда пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.